

ЧИҒАТОЙ ЭТНИК КОМПОНЕНТИНИНГ ХУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНОДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

Буриев Акбар

Термиз давлат университети

Этнография, этнология ва антропология йўналиши

I босқич магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Чигатой этник компонентининг ўзбек халқи этнодемография жараёнларига таъсири тадқиқ этилган. Шунингдек, Сурхон воҳаси чигатойларининг худудий жойлашуви борасида илмий хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Чигатой, этнос, ўзбеклар, мўғуллар, Мовароуннаҳр, Хуросон, Темур ва темурийлар, Сурхондарё.

ABSTRACT

This article analyzes the influence of the Chigatoy ethnic component on the ethnodemographic processes of the Uzbek people. Also, scientific conclusions were made about the territorial location of the Surkhan oasis.

Key words: Chigatay, ethnos, Uzbeks, Mongols, Movarounnahr, Khorasan, Timur and Timurids, Surkhandarya.

КИРИШ

Чиғатой сўзининг бирламчи маъноси Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойга нисбат берилди. Маълумки, Чингизхон иккинчи ўғли Чиғатойга Мовароуннаҳр ва бошқа қатор худудларни инъом қилган эди. Мўғул тилида ҳам, туркий анъаналарда ҳам ушбу ерларнинг йиғиндиси “Чиғатой улуси” деб аталган¹.

Чиғатой сўзининг маъно ва қўлланиш доираси вақт ўтган сари кенгайиб, киши исмини билдирувчи атамадан ташқари, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ва этник аҳамият касб этган. XIII-XIV асрларда Чиғатойхон ҳарбий қўшинлари ва авлодлари, имтиёзга эга бўлган туркий-мўғул амалдорлари, XV асрда Мовароуннаҳр ва шарқий Хуросоннинг Шайбонийларга қарши кураши даврида эса Мовароуннаҳрнинг ҳам туркий, ҳам тожик тилида сўзлашувчи аҳолиси чиғатойлар дейилган. Чиғатойлар XV-XVI асрлардаёқ аниқ чегараланган худудига эга бўлган, этнонимик маъноси ва вазифаси ҳам шу даврларда юзага келган. «Бобурнома»даги Иброҳим чиғатой, Чиғатойхон исмларидан маълумки,

¹ Г. Н. Потанин, Казак-киргизские и алтайские предания, легенды и сказки, — ЖС, 1917, вып. II—III (1916), стр. 166—167.

бу даврда чигатой сўзи ҳам этноним, ҳам антропоним функциясида қўлланилган. Унинг топонимга ўтиши ҳам шу даврда бошланган. Қашқадарёнинг Китоб, Яккабоғ, Сурхондарёнинг Бойсун, Термиз, Сариосиё туманларида ўзбек чигатой ва тожик чигатойлар яшаган. Ушбу атама дастлаб Чигатойга бўйсунувчи маҳаллий ўтроқ халққа нисбатан ишлатилган. Мўғуллар томонидан босқинчилик юришлари амалга оширилгач, маҳаллий ўтроқ ўзбек ва тожик халқлари 120 йил давомида ўзининг уруғ ва қабила номини унутиб, кейинчалик ўзларини Чигатой деб атаганлар.

Бу сўзнинг Ўрта Осиё туркий тилларига кириб келишига туркий тилли халқлар орасида уруғ ёки қабилага ўз аждодининг (ёки бошлиғи) номини бериш тамойилининг кенг тарқалганлиги кўп жиҳатдан ёрдам берган. Чигатойнинг ягона “Чигатой” давлатчилиги доирасидаги ҳукмронлиги узок давом этмади, “Чигатой улуси аста-секин икки қисмга: Мовароуннаҳр ва Мўғулистонга (Еттисув ва Қашғар) парчalandи.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мовароуннаҳрда мўғуллардан кейинги даврда туркий анъана давом этиб, бу ердаги ҳукмрон сулола номи Чигатой номи билан боғланган. Анъананинг мустаҳкамлиги, султон ҳокимиятига бўлган ҳуқуқларнинг қонунийлиги ва сўзсизлигини ўрнатиш истаги узок вақт давомида Мовароуннаҳрнинг темурий ҳукмдорларини, улардан кейин эса кейинги подшоҳларни ҳам Чигатойхонга, ундан эса Чингизхонга ўз насл-насабларини улашга ундайди. Бунга Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг насабномаси типик мисол бўла олади. Бобур онаси Қутлуғ Нигорхоним ҳақида гапирар экан, уни “Юнусхоннинг иккинчи қизи эди... Юнусхон эса Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхоннинг авлодидир”, – деб таъкидлаган. Бобур насабномасида отаси ҳақида маълумот берар экан шундай ёзади: “Умар Шайх Султон Абу Саид Мирзонинг тўртинчи ўғли. Султон Абу Саид Мирзо Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли, Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, Мироншоҳ Мирзо Амир Темурнинг учинчи ўғли эди”. Ҳамда кейинги насабномада Темур ва Чингизхонга ҳам ишора қилади. Шундай қилиб, темурийлар ўзларини Чигатойнинг бевосита ворислари деб ҳисоблаганлар, шунинг учун 1370 йилдан сўнг, Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, мамлакатни Чигатой улуси деб аташда давом этди. Кейинчалик, Темурийлар давлатининг сўнгги бўлаклари Шайбонийхон қўшинларидан мағлубиятга учрагач, мамлакат “Чигатой улуси” деб аталишни тўхтатди².

² А. Н. Самойлович, К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка, — сб. «Мир-Али-Шир», Л., 1928. – С.78.

Хива хонлигида чигатойлар XVII асрнинг биринчи ярмида ҳам мустақил этник бирлик бўлган. Ҳерман Вамбери Хива хонлигидаги ўттиз иккита асосий тоифа орасида чигатойларни ҳам алоҳида қайд этиб ўтади. Характерли жиҳати шундаки, XX асрнинг 30 йилларигача Сурхондарё вилоятининг бир қанча ҳудудларида (Хусусан, Сариосиё туманидаги Дашнобод қишлоғи) бошқа уруғларга мансуб ўзбеклар билан яшаган чигатойлар фақат ўз гуруҳлари ичида никоҳ қурган. Дашнобод қишлоғининг ўзи эса Чигатой ва Барлос қисмларига бўлинган. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг жанубий ва ғарбий вилоятларидаги ўзбеклар ва тожиклар орасида ҳозиргача ўзларини чигатойлар деб атайдиган этник компонентлар истиқомат қилади ҳамда маҳаллий аҳоли тушунчасида бу ном фақатгина этник бирликни эмас, балки сўзлашувчиларнинг тилидан қатъий назар, миллий бирликни белгилашда давом этади.

Бугунги кунда Афғонистон шимолида ҳам чигатой тожиклари яшайди. Эроннинг жануби-ғарбий ҳудудларида яшовчи туркий қабилалардан бири Чигатай деб аталади. Ҳиндистонда, Н. А. Аристов ва Н. Г. Маллицкийнинг маълумотларига кўра, Агра ва Деҳли яқинидаги бир неча ўн минглаб одамлар ҳали ҳам ўзларини чигатой қабиласига мансуб деб билишади. Афтидан, булар Ҳиндистонни забт этган ва у ерда Бобурийлар империясини барпо этган “бобурий чигатойлар”идир, яъни Мовароуннаҳрдан кўчиб келганларнинг авлодларидир. Ўрта Осиёни Дашти қипчоқ ўзбеклари бутунлай эгаллагандан сўнг, кўпгина турк ва тожикларга мансуб бўлган чигатойлар темурийлар авлодига ўз содиқлигини билдириб, Бобур изидан Ҳиндистонга кетиб қолдилар. Ҳозир ҳам ўша чигатойлар авлодига мансуб бўлган чигатойлар ва барлослар Агра ва Деҳли шаҳарлари яқинида яшайдилар.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиёга, жумладан Фарғона водийси ва ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий раёнларига ҳамда Мовароуннаҳрга мўғул қабилаларининг кўчиб келиши кучайган. Уларнинг кўпчилиги туркийлашган бўлиб, айримлари ҳатто турк тилини ўзининг она тили деб ҳисоблаганлар. XV асрда мўғул қабилалари ўзларини чигатой деб номлаганлар ҳамда туркий халқларнинг кейинги тараққиёти, элатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига билан бевосита боғлиқ бўлиб, уйғур-қарлуқ шеvasи асосидаги чигатой тили ва қипчоқ-ўғуз шеvasи асосидаги Хоразм туркий адабий тили каби ўзига хос адабий тилни юзага келтирганлар. Ўша даврда Чигатой тили заминида ўғуз лаҳжаси асосидаги салжуқий тили дастлаб Хоразмда, кейинроқ Кичик Осиёга тарқалган³.

³ Н. А. Аристов, Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности, СПб., 1897, стр. 43—44.

Темурийлар даври тараққиёти чингизий давлат бошқарувининг исломий маданият андозалари билан уйғунлашувидан иборат бўлди. Туркий лаҳжа айнаи шу даврда адабий тил мавқеи қадар юксалди ва Чингизхоннинг Мовароуннахрни мерос қилиб олган учинчи ўғли исми шарафига Чиғатой тили дея атала бошланди. Навоий асарлари чиғатой назмиятини жаҳон мавқеи қадар юксалтириб, токи XX аср қадар муттасил бардавом бўлган адабий анъанага асос солди. Чиғатой тили форс тили билан бирга тараққий топиб, чиғатой шеърини кўплаб форсий калима ва адабий тимсолларни табиий тарзда ўзлаштирди.

Темурийлар тарих саҳнасидан тушганларидан сўнг ҳам чиғатой маданияти ўз таъсирини сақлаб қолган эди. Чиғатой тили энди эски ўзбек тили деб аталар, Алишер Навоий эса ўзбек адабий шажарасида энг муҳим ўринни эгаллар экан, замонавий ўзбеклар ўзларини ана шу асрий анъаналарнинг бевосита ворислари, деб биладилар.

Сурхондарё чиғатойлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг маълум қисми айнан шу чиғатой даврида яшаган халқларга бориб тақалади. «Чиғатой» улуси, «чиғатой»лар ҳақида илмий адабиётларда турли далиллар келтирилади. Н.Хаников, А.Борнс, И.П.Магидович, Г.Маллиций, А.Н.Писарчик, Б.Х.Кармишева каби муаллифлар чиғатойлар ҳақида турлича фикрлар билдиришган. «Чиғатой» сўзининг этимологик маъноси «тоғни қуёшга қараган», «тоғ ёнбағри» каби маъноларни англатади⁴.

Маълумки, ўша вақтда бу ҳудудларда форсийзабонлар, яъни тожиклар, туркийзабонлар, яъни турли турк қавмлари яшашган, лекин уларнинг барчаси XIII аср ўрталаридан бошлаб бир ном билан, яъни «чиғатой» номи билан аталган. Бу ном Дашти қипчоқ ўзбеклари бу ҳудудларни забт этгунга қадар барча маҳаллий аҳолига тааллуқли бўлмаган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Бойсун ва Шеробод бекликларида яшаган ўтроқ аҳоли ўша туркийзабон ва форсийзабон чиғатойларнинг авлодлари эди. Шунинг учун ҳам чиғатойлар ўзларини шу ҳудуднинг «туб аҳолисимиз» деб аташган.

Чиғатойлар яшаган қишлоқларга Жанубий Сурхондарёда: Бойсун, Шеробод, Дарбанд атрофларида, Кўхитанг тоғларининг шарқий ён бағирларида ўндан ортиқ Чиғатой қишлоқлари мавжуд. Бу қишлоқлар жумласига Вандоб, Шержон, Пошхурд, Зарабоғ, Қорабоғ, Панжоб, Сайроб, Дарбанд, Чакоп қишлоқлари киради. Бу қишлоқлар ичида Вандоб ва Шержон энг қадимги қишлоқлардан ҳисобланади. Шунингдек, Шеробод атрофида Чиғатой, Азон

⁴ С.Н. Турсунов. Шеробод тарихи ва этнографияси. – Тошкент: Янги нашр: 2014. - Б.159.

Чигатой, Қишлоқбозор, Сеплон, Новбоғ, Гегирдак, Чўянчи қишлоқларида ҳам турли уруғлар билан биргаликда ўзбек чигатойлари ҳам яшашади.

Сурхон воҳасида шаклланган чигатой қишлоқларини шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Кўхитанг тоғларининг шарқий ёнбағирларида жойлашган қишлоқлар: Майдон, Қизилолма, Чақоб, Хатак, Лайлагон, Қорабоғ, Зарабоғ, Пошхўрд, Шержон, Вандоб, Шалқон, Кампиртепа ва ўша вақтларда умумий Корезат номи билан аталмиш: Оқтош, Ёқуббойкорез, Газ, Ярмакорез, Чорвоқкорез, Булоқкорез, Каттақамиш қишлоқлари.

2. Шерободдарё ҳавзасида жойлашган қишлоқлар (юқори, ўрта ва қуйи оқими): Мачай қишлоқлари (Юқори Мачай, Ўрта Мачай, Қуйи Мачай), Дарбанд, Сайроб, Панжоб, Калламазор, Чилонзор; Шеробод атрофидаги: Чигатой, Азончигатой, Қишлоқбозор, Сеплон, Новбоғ, Гегирдак, Чўянчи; Сурхондарё ва Амударё соҳилларидаги: Жалойир, Тактўғай, Мангузар, Саллиабод, Чигатой, Паттакесар қишлоқлари;

3. Бойсундарё ҳавзасидаги қишлоқлар: Авлод, Сариосиё, Кўчкак, Шайит, Пассурхи, Қўрғонча, Бибиширин, Боғибало, Чинор, Қизилкорез, Тоза, Пойгабоши, Кўкчи, Шўрсой, Қорабўйин, Омонхона, Тўда, Инқобод қишлоқлари, бу қишлоқлар кўпинча дарё ҳавзасида, қориз яқинида ва булоқ бўйида жойлашганлиги учун суғорма деҳқончилик яхши ривожланган, лекин воҳада лалми деҳқончиликнинг ҳам ўз ўрни бўлган⁵.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, чигатой этник компоненти минтақадаги этник жараёнларга сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатган. Бу айниқса Сурхон воҳасида намоён бўлади. Сурхондарё чигатойларининг бошқа этнослардан ёки этник гуруҳлардан фарқловчи муҳим белгиларидан бири бу маданий хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятларни ҳар бир халқ ўз тарихий-маданий ривожланиш жараёнида ўзлаштиради ва авлоддан-авлодга қолдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. «История Узбекской ССР», т. I, Ташкент, 1967, стр. 431.
2. Терентьев М. Грамматика турецкого, персидского, киргизского и узбекского языков, кн. I, СПб., 1875, стр. 160.
3. Самойлович А. Н. К истории литературного среднеазиатско-турецкого языка, — сб. «Мир-Али-Шир», Л., 1928.

⁵ Н.Н. Турсунов. Сурхон воҳаси аҳолисининг хўжалик фаолияти ва машғулоти. ЎзМУ хабарлари. 2019. — Б.102.

4. Потанин Г. Н. Казак-киргизские и алтайские предания, легенды и сказки, — ЖС, 1917, вып. II—III (1916), стр. 166—167.
5. Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности, СПб., 1897, стр. 43—44.
6. Турсунов Н.Н. Сурхон воҳаси аҳолисининг хўжалик фаолияти ва машғулотлари. ЎзМУ хабарлари. 2019.102-107 бетлар.
7. Турсунов С.Н. Шеробод тарихи ва этнографияси. – Тошкент: Янги нашр: 2014. 300 б.